



ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ОИЛА-ТУРМУШ МУНОСАБАТЛАРИ ДОИРАСИДАГИ ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ БЎЙИЧА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ТАҲЛИЛИ

Рўзикулов Мирзабек Пардабоевич

*Жиззах вилояти ИИБ ЖХХ Хуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси бошлиғи
подполковник*

E-mail: mirzabek58@gmail.com

Очилов Наврўзбек Ўроқбой ўғли

*Жиззах вилояти ИИБ Жамоат хавфсизлиги хизмати хуқуқбузарликлар профилактикаси
бошқармаси миграцион профилактика гуруҳи катта инспектори лейтенант*

E-mail: navruz97ochil@gmail.com

DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.16833489>

Аннотация: Мазкур мақолада ички ишлар органларининг оила-турмуш муносабатлари доирасида содир этиладиган хуқуқбузарликларни олдини олиши бўйича халқаро тажрибалари таҳлил қилинади. Жумладан, АҚШ, Германия, Канада, Буюк Британия, Жанубий Корея каби давлатларда амалда қўлланилаётган хуқуқий ва институтсионал механизмлар, махсус ҳимоя ордерлари, тезкор аралашув гуруҳлари, оилавий зўравонликка қарши марказлар фаолияти ва жамият билан ҳамкорлик тизимлари ўрганилган. Мақолада, шунингдек, хорижий тажрибалар асосида Ўзбекистонда мавжуд профилактика тизимини такомиллаштиришга оид амалий тавсиялар берилган. Ички ишлар органлари фаолиятини самарали ташиқил этишида замонавий ёндашувлар, ижтимоий хизматлар ва психологик ёрдам муҳим ўрин тутуши алоҳида таъкидланган.

Калит сўзлар: ички ишлар органлари, оила хуқуқи, хуқуқбузарликлар профилактикаси, хорижий тажриба, оилавий зўравонлик, тезкор аралашув, хуқуқий механизм, жамият билан ҳамкорлик.

Аннотация: В статье проведён сравнительный анализ международного опыта профилактики правонарушений в сфере семейно-брачных отношений с участием органов внутренних дел. Рассмотрены правовые и институциональные механизмы, действующие в таких странах, как США, Германия, Канада, Великобритания и Южная Корея. Внимание уделено практике применения защитных ордеров, работе оперативных групп быстрого реагирования, функционированию центров по борьбе с домашним насилием и механизмам взаимодействия с гражданским обществом. Также в статье предложены практические рекомендации по внедрению зарубежного опыта в национальную систему профилактики, подчёркивается роль современных подходов, социальных служб и психологической поддержки в эффективной деятельности органов внутренних дел.

Ключевые слова: органы внутренних дел, семейное право, профилактика правонарушений, международный опыт, домашнее насилие, быстрая реакция, правовые механизмы, взаимодействие с обществом.

Annotation: This article presents a comparative analysis of international practices in the prevention of offenses within family and marital relations, with a particular focus on the role of internal affairs (police) agencies. The study examines legal and institutional mechanisms implemented in countries such as the United States, Germany, Canada, the United Kingdom, and South Korea. It explores the use of protective orders, rapid response units, domestic violence intervention centers, and models of cooperation with civil society. The article also provides



practical recommendations for applying foreign best practices to enhance Uzbekistan's current prevention system. Emphasis is placed on the importance of modern approaches, social services, and psychological assistance in ensuring the effectiveness of law enforcement activities.

Key words: *internal affairs agencies, family law, offense prevention, international experience, domestic violence, rapid intervention, legal mechanisms, civil society cooperation.*

КИРИШ ВА ДОЛЗАРБЛИГИ

Оила-турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликларни олдини олиш бўйича кўпгина ривожланган давлатлар, хусусан АҚШ, Канада, Буюк Британия, Франция каби давлатларнинг тажрибалари ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Ҳозирда дунёнинг 100 дан ортиқ давлатларида оиладаги зўравонликнинг олдини олиш бўйича махсус қонунлар қабул қилинган бўлиб, улар доирасида оиладаги низоларни ҳал қилиш, ундан жабрланган шахсларга тиббий, руҳий, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича махсус бошпаналар ташкил этиш ҳамда унинг профилактикаси бўйича самарали фаолиятни ташкил этиш механизмлари яратилган. [1.4.]

АҚШда 1994 йилда “Аёлларга нисбатан зўравонликка қарши кураш ҳақида” ги қонун (the Violence Against Women Act) аёлларга қарши зўравонлик ҳолатларини олдини олишга қаратилган. АҚШда 1999 йилда оиладаги зўравонлик жабрланувчилари учун мўлжалланган алоҳида турар жойлар очишни молиялаштириш 3 бараварга оширилган ҳамда оилада зўравонлик ишлатган шахсларни тарбиялашга қаратилган юзлаб дастурлар ишлаб чиқилган. АҚШда Адлия ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўзаро ҳамкорликда оиладаги зўравонликка қарши қаратилган дастурларни ишлаб чиқиб, Адлия вазирлиги таркибида “Аёлларга нисбатан содир этиладиган зўравонликларга қарши курашиш бўлими” ташкил этилган.

МЕТОДЛАР ВА ЎРГАНИЛИШ ДАРАЖАСИ

АҚШ Конгресси томонидан қабул қилинган 1994 йилдаги “Аёлларга нисбатан зўравонликка қарши кураш ҳақида”ги қонунига асосан “муружаатлар линияси” ташкил қилиниб, унинг фаолияти кечаю-кундуз мутахассис операторлар томонидан оиладаги зўравонликдан жабрланган шахсларга бепул ёрдам кўрсатиш бўйича ташкил этилган. Зарур ҳолларда таржимон хизматлари ташкил этилиб, оператор кўнғироқни жабрланувчи яшаш ҳудудида жойлашган вақтинчалик яшаш марказлари, улардан тиббий ва руҳий (психологик) ёрдам олишлари ҳамда юридик маслаҳатлар каби ижтимоий хизматлар кўрсата оладиган бошқармаларига бепул улаб бериши мумкин. [2.5.]

Жабрланувчи шахслар миллий тармоқда ташкил этилган қуйидаги йўналишлардаги ишонч телефонларига кўнғироқ қилишлари мумкин:

а) жинсий зўравонлик жабрланиш хавфи вужудга келганда;



- б) зўрлаш, номусга тегиш ҳолатлари ҳақида хабар бериш учун;
- в) болаларга нисбатан кўрсатилаётган шафқатсиз муносабатларга доир муаммолар бўйича;
- г) зўравонликдан жабрланганларга қандай хатти-ҳаракатларни амалга оширишлари бўйича.

Бугунги кунда АҚШда оилада зўрлик ишлатишнинг олдини олишга қаратилган чоралар натижасида оиладаги зўравонлик жиноятлари сони 21%га, ўз турмуш ўртоғи томонидан ўлдирилиш ҳолатлари эса 60%га камайган.

АҚШда оиладаги зўравонлик жабрланувчилари учун 1,5 минг марказлар, алоҳида уйлар ташкил қилинган бўлиб, ушбу марказларга оиладаги зўравонликдан жабрланган шахслар мурожаат этишади. Ушбу марказларга уйда оила аъзолари томонидан калтакланган, хўрланган, жабр-зулмга дучор бўлаётган аёллар, қариялар, вояга етмаганлар мурожаат қилади.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Статистик маълумотларга кўра, ҳар учтадан битта америкалик хотин-қизлар жинсий зўравонликка дучор бўлишган. Шунингдек, АҚШда 12 ёшдан 16 ёшда бўлган қизларнинг 83% турли зўравонликларга дучор бўлишади.

Канада давлатида оиладаги зўравонликни бартараф этиш бўйича етакчи давлат деб, тан олинган. Мазкур мамлакатнинг Жиноят кодексига 1994 йилда аёллар ва болаларни зўравонликдан ҳимоя қилишга қаратилган чоралар тизимини назарда тутадиган қўшимчалар киритилган. С-127 қонун лойиҳаси Жиноят кодексининг бир қисмига айланиб, унда номусга тегиш жиноятини “Жинсий ҳуқуқбузарликлар, ижтимоий ахлоқ ва жамоат тартибига қарши ҳуқуқбузарликлар” қисмидан олиб “Шахс ва унинг шаънига қарши ҳуқуқбузарликлар” қисмига ўтказиш назарда тутилган.

Канада давлатида аёлларга зўрлик ишлатишга қарши қаратилган ва тегишли тезкор чораларни кўриш бўйича Коалиция тузилган. Унга асосан Канадада 6 декабрь аёлларга нисбатан зўрлик ишлатишга қарши кураш куни деб эълон қилинган. Чунки, оиладаги зўравонликнинг ижтимоий хавфи бир ёки бир неча шахсга жисмоний ва руҳий зарар етказишда намоён бўлади.

Канада давлатида оиладаги зўравонликни олдини олиш бўйича қуйидаги тажрибалар мавжуд:

- 1) Кризис марказлари ташкил этилиб, уларнинг сони эҳтиёждан келиб чиқиб кўпайтирилган;
- 2) Соғлиқни сақлаш вазирлигида оиладаги зўравонлик ҳолатларини таҳлил қиладиган ва умумлаштирадиган марказ очилган;
- 3) Мамлакатда оиладаги зўравонликнинг салбий жиҳатларини кўрсатувчи 50дан ортиқ фильмлар тайёрланган ва намойиш қилинган;



4) “Юзма-юз” деб номланган оиладаги зўравонлик ҳолатларини ёритиб борувчи ижтимоий нашр жорий қилинган;

5) Ижтимоий ҳимоя ходимларини тайёрлаш программалари тузилган.

Канадада ҳар бир зўрлик аломати алоҳида эътиборга олиниши ва ҳар томонлама чуқур кўриб чиқилиши таъминланиши белгиланган. Гап шундаки, оиладаги зўрликлардан жабрланган ёки шикоят қилган шахсларнинг оилавий турмуш шароити, оилавий аҳволи, оиладаги низоларнинг сабаб шароитлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар эътиборидан четда қолмаслиги учун қатъий назорат ўрнатилган. Ушбу сиёсатга асосан федерал даражадаги органлар маҳаллий органлар билан, давлат органлари эса нодавлат органлари билан ушбу йўналишда ҳамкорликда фаолият олиб бориши йўлга қўйилган.

Буюк Британия Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва статистика бошқармасининг 2017 йилдаги “Англия ва Уэльсда жинсий зўравонлик” номли маърузасида бу давлатда ҳар йили 85 минг одам жинсий зўравонликка дучор бўлаётганлиги таъкидланган. Шулардан 73 минг нафари хотин-қизлар ва 12 минг нафари эркек ва ўғил болаларни ташкил этган. Ҳар куни 230 та жинсий зўравонлик содир бўлиб, 16 ёшдан юқори бўлган ҳар бешта хотин-қиздан биттаси турли хилдаги жинсий зўравонликка дучор бўлишган. Англия ва Уэльсда умумий жиноятлар тушиб бораётган бир пайтда айнан жинсий зўравонлик билан боғлиқ бўлган жиноятлар 29% га кўпайган.

Бундай ҳолатларни олдини олиш мақсадида Буюк Британия 2017 йил 22 февралда “Оиладаги зўравонлик: Британия кўзгусида” номли қонунни қабул қилган. Мазкур қонун қабул қилинишидан олдини Британия давлатида оиладаги зўравонлик масалалари таҳлил этилиб, зўравонликдан биринчи марта жабр кўрган кўпгина аёллар камдан кам ҳолатларда полицияга бориб мурожаат қилишлари аниқланган. Бу эса, аёлларни йиллар давомида зўрликдан жабрланиб яшашига олиб келган. Ушбу масалада (Women's Aid England) “Оиладаги зўравонликка қарши курашишда ҳомийлик қиладиган миллий ташкилот” томонидан тадқиқот олиб борилиб, сўров ўтказилган. Шунда 510 та аёлдан унга нисбатан оилада зўравонлик бўлганда полицияга мурожаат қилган ёки қилмаганлиги сўралганида уларнинг 48,2% (246 та аёл) зўравонлик ҳақида бир йилдан ортиқ муддат ўтгандан сўнг мурожаат этганлигини таъкидлаган. Шунингдек, 9,4% (48 та аёл) эса анча муддатдан кейин, 32,3% (164 та аёл) бир йилдан кам 1 йил ичида мурожаат этгани, 19,2% (98 та аёл) ўзларига нисбатан ишлатилган хатти-ҳаракат зўрлик эканлигини билишмаган. Фақатгина, 0,4% (2та аёл) бу масалада жавоб бериша олмаган.

Британияда оиладаги зўравонликдан жабрланишларнинг олдини олиш борасида ишонч телефонлари ҳам мавжуд бўлиб, улар нафақат аёллар ва



болаларга балки оилавий муаммоларни ҳал этишга қийналаётган эркаклар учун ҳам фаолият юритади. Шунингдек, Британияда бир неча тилларда оиладаги зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш усуллари ва лозим бўлган ҳаракатлар юзасидан қўлланмалар чоп этилган бўлиб, ушбу чора ҳам аёллар ҳуқуқларини ўз вақтида ҳимоя қилинишини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Францияда 2005 йилдан бошлаб, оилада зўравонлик содир этган эркакка нисбатан аёл томонидан ариза ёзиб, бу ҳақида ёрдам сўраб мурожаат этилганида, аёлларни ўз оиласидан вақтинчалик узоқлашишини таъминлаш бўйича аниқ чораларни кўриш амалиёти жорий қилинган. Ушбу давлатда 2007 йили “Болаларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинган бўлиб, болаларга нисбатан зўравонлик ҳолатлари кузатилганда тезкорлик билан давлат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилиш лозим эканлиги белгиланган.

Ушбу маълумотларни била туриб ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бермаган шахслар 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиниши ёки 45 минг евро миқдорида жаримага солиниши мумкин бўлган.

Бундан ташқари, Францияда бир қатор аёллар мурожаат қилиши мумкин бўлган марказлар мавжуд бўлиб, уларга мурожаат қилиш учун “3919-ишонч телефони”га қўнғироқ қилиш амалиёти мавжуд. Агарда, оиладаги ҳолат шуни талаб қилса, зўравонликдан жабрланганлар учун ташкил этилган уйларга бориб яшаш таклиф қилинади.

Айрим мамлакатлар амалиётида оиладаги зўравонлик олдини олиш борасида, ушбу масалалар бўйича иш олиб бориш учун полициячи аёллар ёки фуқаролардан бўлган хизматчилар махсус тайинланган. Бундай полициячи аёллар ва махсус гуруҳлар аҳоли ўртасида зўравонлик масалалари юзасидан сўровлар ўтказиб боради. Мисол учун, Аргентина, Бразилия, Перуда аёллар ишловчи полиция участкалари ташкил этилган бўлиб, уларнинг вазифаси оилада зўравонлик содир этилишини олдини олишдан иборат.

Мазкур давлатларда оиладаги зўравонликни олдини олиш бўйича қуйидаги амалиёт мавжуд:

- аҳоли ўртасида оиладаги зўравонлик юзасидан сўровлар ўтказиш ва уларни таҳлил қилиб бориш;
- оиладаги зўравонликдан жабрланганлар рўйхатлари тузилиб, улар билан психологлар мунтазам равишда ишларни ташкил этиб боради;
- зўравонликка дучор бўлаётган ва бўлган шахслар учун вақтинчалик бошпана-манзилгоҳлар фаолияти ташкил этилган;
- оиладаги низоли ҳолатлар ҳамда ундан жабрланган шахсларнинг юзага келган муаммони ижобий ҳал этишларига кўмаклашувчи ишонч телефонлари



мавжуд.

Австралияда полиция оилада содир этилган зўравонлик бўйича хабар тушгач мутахассисларни ва оиладаги зўравонликка қарши курашувчи хизмат ходимларини чақиради. Хизмат доимий фаолият кўрсатадиган алоҳида мустақил орган ҳисобланади. Унинг мутахассислари полициячилар билан бирга воқеа юз берган жойга келади. Улар жабрланувчига ёрдам кўрсатади ҳамда оиладаги воқеаларнинг кейинги вазиятини кузатиб боради ва ахборот хизматларини кўрсатади. Бундай амалиёт полициянинг ҳуқуқбузарликка эътиборини қаратиш ва бошқа муаммоларни ечишга куч сарфламаслик имконини беради. Биз хорижий давлатлар тажрибасини таҳлил этарканмиз кўпгина давлатларда “Оилада зўрлик ишлатилишининг олдини олиш тўғрисида”ги махсус қонунлар қабул қилинганини кўришимиз мумкин. Бундай қонунлар ривожланган давлатларнинг аксариятида узоқ йиллардан бери самарали амал қилиб, уларда оилавий зиддиятлар негизида зўрлик ишлатишдан жабрланганларни ҳимоя қилиш кафолатлари ва тартиб-қоидаларини механизмлари белгилаб берилган. Бундай қонун лойиҳасининг янада кенг концептуал асоси 1993 йил 20 декабрда БМТ Бош Ассамблеясининг 48/104-сонли резолюцияси билан қабул қилинган Хотин-қизларга нисбатан зўрлик ишлатилишига барҳам бериш тўғрисидаги БМТ Декларациясида мустаҳкамланган.

ХУЛОСАЛАР

Таъкидлаш керакки, МДХ давлатлари орасида биринчилардан бўлиб 2001 йил 15 ноябрда Украинада “Оиладаги зўравонликни олдини олиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинган. Мазкур қонунда оиладаги зўравонликни олдини олиш бўйича махсус умумижтимоий чоралар белгиланган бўлиб, унга кўра кризис марказлари фаолияти ташкил этилган. Ушбу марказда оиладаги зўрликдан жабрланганларга психологик, тиббий, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, оилавий низоларни ҳал қилиш йўллари, оилада зўравонлик содир этган шахслар рўйхатини юритиш ва уларни ҳисобга олиш, зўравонлик содир этувчи шахслар билан профилактик ишларни олиб боришнинг тартиб қоидалари белгиланган.

Таъкидлаш лозимки, ажралишларнинг олдини олиш ва оилаларни сақлаб қолишда нафақат яраштириш комиссиялари ёки суд, балки ФХДЁ органлари масъулиятини янада ошириш лозим. Бу эса, давлат ва жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланмиш оилаларнинг барбод бўлишининг олдини олишга, у ердаги зўравонлик ва унинг билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасини самарали таъминлашга маълум даражада ижобий таъсир этади.



Адабиётлар:

1. Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. 2-жилд. –Т., 2006. – Б. 38.
2. Абдурасулова Қ. Аёллар жиноятчилиги // Ҳаёт ва қонун. 2004. – №4. – Б. 71-72.
3. Абдурасулова Қ.Р. Аёллар жиноятчилигининг жиноят ҳуқуқий ва криминологик муаммолари: юрид. фан. док-ри. дисс-я. –Т., 2006. –Б. 117-118.
4. Абзалова Х.М. Одам ўлдиришга қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари. Юридик фанлар доктори (Doctor of Science) диссертацияси автореферати. – Т., 2020. – Б.19.
5. Антонян Ю.М. Причины преступного поведения. –М., 1992. –С. 114.
6. Бердиев Ш. Вояга етмаганлар ҳуқуқлари. Ҳуқуқшунос-юрист. 2008. №3.-14 б.
7. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция (1989 йил), 6-10 моддалар.
8. Болаларга нисбатан зўравонлик бўйича бутунжаҳон ҳисоботи. –Т., 2009, –Б. 174.
9. Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм: Дарслик. / Р.Кабулов, М.Рустамбаев, А.Отажонов ва бошқалар. / Масъул муҳаррир: Ш.Икрамов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014. – Б. 50.

